# НАВРЎЗИ ОЛАМ МУБОРАК!

***АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!** Қуёшистон дея аталмиш қадимий ўзбек тупроғига баҳорий илиқлигу наҳорий тиниқлик ила гўзал байрам ташриф буюрди. Яшариш, покланиш, улғайиш фасли бўсағасида ҳаммангизга соғлиқ-омонлик, хонадонингизга тотувлик, тўкинлик, умрингизга барака, бунёдкорлик ишларингизга омад ва ривож тилаймиз.*


*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# Қишлоқ ҲАҚИҚАТИ

1990 йил 21 март
ЧОРШАНБА
№ 67 (4.861).

**Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси**

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади ◆ Баҳоси 3 тийин


# ҚУТЛУҒ ОНЛАРДА ТУҒИЛГАН ЭЗГУ НИЯТ

### Ўзбекистон агросаноат илғорлари қурултойи қатнашчиларининг жумҳуриятдаги барча меҳнаткашларга

## МУРОЖААТНОМАСИ

Қадрли ўртоқлар!

Шу кунларда кўп миллатли Ватанимиз халқлари қатори Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам ниҳоятда масъулиятли даврни бошдан кечирмоқдалар. Партия ташаббуси билан бошланган қайта қуриш жамиятнинг бутун сиёсий, иқтисодий, ижтимоий жабҳаларини қамраб олди, омманинг фаоллигини уйғотди ва ҳаракатга келтирди.

1990 йил 12—15 март кунлари бўлиб ўтган СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари учинчи съезди СССР Конституцияси (Асосий қонуни)га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, СССР Президенти лавозимини таъсис этиш масалаларини муҳокама қилди. Съездда ўртоқ Михаил Сергеевич Горбачев СССРнинг биринчи президенти этиб сайланди. Барча совет халқи ушбу лавозимнинг таъсис этилиши мамлакат иқтисодиётидаги тангликдан халос бўлишда кескин бурилиш ясалишига имкон беради, деган умид билдирмоқда.

Ўтмишни танқидий идрок қилиш, эскича тафаккур қолипларидан воз кечиш жараёнлари давом этяпти. Замон сиёсий ва иқтисодий системани, миллий муносабатларни, ижтимоий ва маънавий соҳаларни тубдан ўзгартириш масалаларини кун тартибига қўймоқда. Қайта қуриш жараёни зўр қийинчиликлар билан амалга ошаётганлигини кўриб турибсиз. Республикамизда ҳам турли ижтимоий қатламлар ва гуруҳлар манфаатларининг кескин тўқнашувлари, миллатлараро муносабатларда мушкулликлар учрамоқда.

Шусиз ҳам жумҳуриятимизда йиллар мобайнида ўз ечимини кутиб ётган кўплаб ижтимоий ва иқтисодий муаммолар мавжуд. Бугунги кунда айниқса қишлоқ аҳлининг турмуш даражаси жиддий эътиборга муҳтож. Қишлоқларда уй-жойлар, шифохоналар, мактаблар, болалар муассасалари етишмаяпти. Озиқ-овқат таъминоти ҳам яхши йўлга қўйилмаган. Меҳнатга яроқли юз минглаб кишилар, айниқса ёшлар доимий иш топиш умидида яшамоқдалар. Пахта якказироатчилиги оқибатида тупроқ унумдорлиги пасайиб кетди, атроф муҳити, сув ва ҳаво ифлосланди. Айниқса Орол бўйида яшаётган аҳолининг ачинарли аҳволи бунга яққол мисол бўла олади. Ана шундай мураккаб шароитда биз, қурултой қатнашчилари — колхозчилар ва ишчилар, деҳқончилик саноатининг раҳбар ва мутахассислари қайта қуриш тақдири учун, халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш, аҳолини етарли миқдорда озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш учун масъул эканимизни унутмайлик.

Биз КПСС Марказий Комитетининг мамлакат меҳнаткашларига мурожаатини, СССР халқ депутатлари съездлари дастурларини қўллаб-қувватлаймиз ва тўпланиб қолган муаммоларни фақат қонунчилик, демократия, ошкоралик, юксак уюшқоқлик ва мустаҳкам тартиб-интизом орқали ҳал этиш мумкин, деб ҳисоблаймиз. Жамиятга, умумхалқ манфаатларига зид хатти-ҳаракатларни, миллий туйғуларни камситиш, қайта қуриш йўлидаги қийинчиликлардан фойдаланиб атайлаб можаролар, тартибсизликлар чиқарилишини қаттиқ қоралаймиз. Норасмий ташкилотларнинг айрим раҳбарлари ана шундай йўл тутмоқдалар. Улар жумҳурият партия-ҳукуматининг ижтимоий-иқтисодий соҳалар муаммоларини ҳал этиш борасидаги ишларини камситишга уринмоқдалар ва бу тадбирларни ўзларининг иши деб кўрсатишга ҳаракат қилмоқдалар. Жумҳуриятимиздаги кексаю ёш, ишчию деҳқон, зиёлию талаба уларнинг иғвогарона даъватларига учмасликлари керак.

Азиз ўртоқлар!

Пахтачилик бундан буён ҳам қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи бўлиб қолаверади. Зотан йўл қўйилган айрим нуқсон ва камчиликлардан ҳалос бўлинса, бу соҳа деҳқон учун катта даромад манбаидир. Ўтган йили пахтакорларимиз давлатга 5 миллион 300 минг тонна «оқ олтин» сотиб, планни муваффақиятли ўриндадилар. Жумладан, жами маҳсулотнинг 4 миллион 100 минг тоннаси биринчи ва иккинчи навларга топширилди. Ҳар гектар ердан ўртача 27 центнердан ҳосил олинди. Пахта йиғим-теримида иштирок этаётган шаҳарлик ҳашарчилар сони анча қисқарди, бу ишга ўқувчи ёшларни мажбуран жалб этиш ҳолларига чек қўйилди. Ҳосилнинг ярмидан кўпроғини механик-ҳайдовчиларимиз териб бердилар.

Жорий йилнинг хусусияти бўлакча. Илк бор пахта якказироатчилигини тугатиш, алмашлаб экишни қўллаш натижасида тупроқни соғломлаштириш, озиқ-овқат дастурини амалий ҳал этиш имкониятлари яратилади. Зеро, жумҳурият қишлоқ хўжалиги оқсоқоллари ҳам бир беш йиллик мобайнида пахта етиштириш плани 1 миллион тоннага камайтирилганлигини эслай олишмаса керак. Ҳозир эса бу амалдаги ҳақиқатга айланди.

Эндиликда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш қоғозларда эмас, балки амалда, иқтисодий омилларга таянилган ҳолда олиб борилмоқда. Ўтган йили I ва II нав пахтанинг ҳар бир тоннасига 120 сўмдан, III нав учун 90 сўм қўшимча ҳақ тўланди. Жорий йилда ушбу қўшимчалар янада салмоқли бўлади, яъни тегишли равишда 210 ҳамда 120 сўмни ташкил этади. Хомаки ҳисоблангaнда бу қўшимчалардан ҳар бир хўжалик ўрта ҳисобда 660 минг сўм даромадга эга бўлади. 1991 йилда пахтанинг нархи оширилади. Натижада тармоқ самарадорлиги кескин кўтарилади.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид нархларини ошириш билан боғлиқ эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Харид нархлари кўтарилганда меҳнаткашларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш, мелиорация ишларига, техника ва ўғитга кетадиган харажатлар ўрнини қоплаш билан бирга қишлоқ аҳлининг турмуш маданиятини ривожлантириш имкониятлари вужудга келди. Шу боисдан ҳам Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва жумҳурият ҳукумати қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг харид нархларини ошириш масаласини ҳал қилишни КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советидан қатъий сўрамоқда.

Ҳозирги вақтда иттифоқ органлари республиканинг пилла, сут ва бошқа қишлоқ хўжалик махсулотлари харид нархларини ошириш тўғрисидаги таклифни қабул қилди.

Мева-сабзавот маҳсулотларига шартнома баҳоларини жорий этиш ҳақидаги ҳукумат қарорини моддий рағбатлантиришнинг яққол намунаси деса бўлади. Эндиликда ушбу маблағларни оқилона тақсимлаш, маҳсулот ишлаб чиқаришда хўжасизлик ва нобудгарчиликка йўл қўймаслик муҳимдир.

Қадрли ўртоқлар!

Сизларни илмий асосланган алмашлаб экишни кенг жорий этишга, фан-техника тараққиёти ва илғор тажрибалардан унумли фойдаланишга чақирамиз. Пахтачилик билан бир қаторда боғдорчилик, сабзавотчилик, полизчиликни ривожлантириш, чорва моллари учун озуқа экинлари майдонларини кенгайтиришга жиддий эътибор берайлик.

Бугунги кунда дўконлар ва бозор пештахталарини сабзавот, мева, гўшт ва сут маҳсулотлари билан тўлдиришдан муҳимроқ иш йўқ. Бу вазифани муваффақиятли ҳал этиш учун дала ва фермаларда фидокорона меҳнат қилиш, фан тавсияларидан ишлаб чиқаришга билимдонлик ва тадбиркорлик билан фойдаланиш, ижара ва хўжалик юритишнинг бошқа янги шаклларини кенг жорий этиш зарур.

Азиз қишлоқ аҳли!

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва жумҳурият Министрлар Советининг қарорига биноан ҳозиргача 393 минг янги оилага томорқа берилди. 909 минг оила эса қўшимча томорқа майдонига эга бўлди. Ана шу мақсадларда энг серҳосил, суғориладиган 160 минг гектар экин майдони тақсимланди. Энди буёғи сизнинг тадбиркорлигингизга, ғайратингизга, деҳқончилик илмини қанчалик пухта эгаллаганингизга боғлиқ. Томорқа ерларидан қанчалик самарали фойдалансангиз, шунчалик кўп озиқ-овқат маҳсулотлари етиштирасиз, хонадонингиз тўкин-сочин бўлади. Шаҳарлик биродарларингизнинг дастурхонига барака киради. Шу боисдан томорқангизнинг ҳар бир қаричидан унумли фойдаланинг, чорбоғларингиз эрам саховатини эслатсин.

Жумҳуриятимизда хотин-қизларнинг тақдири ва болаларнинг келажагига алоҳида эътибор берилаётганлигини сезиб турган бўлсангиз керак. Мактаб ўқувчиларининг бепул овқатланишини ташкил этиш, кексалар ва ногиронларга бериладиган нафақаларни кўпайтириш учун бир неча ўн миллионлаб сўм маблағ ажратилди. Қишлоқдаги хотин-қизларнинг меҳнат шароитини яхшилаш, кўп болали оналар ва уй бекаларини иш билан таъминлаш борасида ҳам хайрли ишлар қилинмоқда. Ҳар бир хўжаликда аёллар меҳнатини енгиллаштириш, қаҳрамон оналарга бериладиган нафақа миқдорини ошириш имкониятлари қидириб топилса, айни муддао бўлур эди.

Озиқ-овқат режаларини амалга оширишнинг муҳим омили бўлган чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш борасида сўнгги йилларда бир мунча ижобий силжишлар рўй берди. Чорва моллари зотлари яхшиланмоқда, маҳсулдорлик ошмоқда. Сўнгги тўрт йил мобайнида колхоз ва совхозларда гўшт ва сут етиштириш 4,1 баравар, тухум етиштириш қарийб 50 фоиз кўпайди. Бунга чорвачиликда меҳнатни ташкил этишнинг илғор усуллари дадил жорий қилинаётганлиги туфайли эришилди. Соҳада ижара, пудрат каби самарали усулларни ривожлантириш, ўзини оқлаётган фермерлик хўжаликларини кўпайтириш асосий йўналиш бўлиб қолади.

Жумҳуриятимизда жорий йилда ҳам сув танқислиги бўлиши кутилмоқда. Шу боисдан сув хўжалиги ходимлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбар ва мутахассислари, деҳқонлар, томорқа эгалари оби ҳаётнинг ҳар бир томчиси ҳам беҳуда исроф бўлмаслиги сизларга боғлиқ. Ақлу заковатингиз, тадбиркорлигингиз, тежамкорлигингиз туфайли сувнигина эмас, техникани, ўғитларни, экин майдонларини тежашга, улардан самарали фойдаланишга эришишингизга ишонамиз.

Пахта майдонлари камайганлиги, томорқа ерлари берилганлиги туфайли бу йил ва бундан буён мева ва сабзавот маҳсулотлари кўпайиши кўзда тутилмоқда. Бу эса қайта ишлаш тармоғи меҳнаткашлари олдига жиддий вазифалар қўяди. Қайта ишлов корхоналарининг имкониятларини ошириш, жойларда кам қувватли маҳсулотни қайта ишловчи цехлар қуриш лозим. Бундай цехлар хўжаликларда ва шахсий томорқаларда етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ўша жойларнинг ўзида қайта ишлаш имкониятини беради. Тармоқ меҳнаткашлари ўз маҳсулотларининг сифатини яхшилашлари ва хилларини кўпайтиришлари, ишлаб чиқаришнинг чиқитсиз технологиясини жорий этиш йўлида кўпроқ бош қотиришлари талаб этилади.

Муҳтарам шаҳарликлар! Саноат ва қурилиш корхоналарининг ишчи ва хизматчилари!

Ҳозир аҳолига томорқа ерлари берилиши муносабати билан қишлоқларда кенг миқёсда қурилиш ишлари олиб борилаётганлиги сизларга маълум. Дарҳақиқат, шу кунларда бутун Ўзбекистон улкан қурилиш майдонини эслатади. Шу тобда қишлоқ аҳолиси сизларнинг мададингизга, кўмагингизга муҳтож. Уларга кўплаб қурилиш материаллари, техника ва илғор технология зарур. Қишлоқдаги уй-жой, мактаблар, боғчалар, шифохоналар ва бошқа маданий-маиший объектлар қурилиши сизнинг бевосита ёрдамингизсиз амалга ошиши мушкул. Шу боисдан деҳқонлар ҳамиша саховатингизга умид боғлайдилар. Биз эса ушбу ғамхўрлигингизга жавобан дастурхонингизни дала неъматларига сероб этамиз.

Илм-фан намояндалари, шаҳар ва қишлоқ зиёлилари! Сизларнинг мураккаб ва шарафли меҳнатингизни бениҳоя қадрлаймиз. Пахтачилик, боғдорчилик, деҳқончилик, чорвачилик ва бошқа тармоқлар самарадорлигини оширишда қишлоқдаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишда ҳали сиз кўп ғайрат-шижоат, тадбиркорлик кўрсатасиз, деган умиддамиз.

Қишлоқдаги муаммоларнинг муваффақиятли ҳал бўлиши шубҳасиз кўп жиҳатдан ернинг ҳақиқий хўжайини бўлган деҳқоннинг маънавияти, инсоний фазилатлари, заминга ва касбига бўлган меҳру муҳаббатига боғлиқдир. Энг аввало элни кийинтирувчи ва тўйдирувчи деҳқонни эъзозлайлик, ҳурмат-эътиборини жойига қўяйлик. У узоқ йиллар давом этган шахсга сиғиниш ва турғунлик даврларининг ситамларидан, ғуборларидан тамомила фориғ бўлсин. Деҳқоннинг қалбидаги шубҳа ўрнини ишонч, умидсизлик ўрнини келажакка интилиш орзуси эгалласин.

Азиз ўртоқлар!

Ҳозирги аграр сиёсат жамиятни инқилобий ўзгартиришнинг асосий таркибий қисмидир. Ҳолбуки, шундай экан, қайта қуришнинг муваффақияти қишлоқ хўжалиги ходимлари, қайта ишлаш тармоқлари меҳнаткашларининг самарали ишларига боғлиқлигини ҳар дақиқа ёдда тутайлик.

Бутун куч-ғайратимизни, билим ва маҳоратимизни озиқ-овқат режаларини шараф билан бажаришга сафарбар этайлик. Халқимиз дастурхони шу йилнинг ўзидаёқ гўшт ва сутга, мева ва сабзавотга ҳамда бошқа ноз-неъматларга тўкин-сочин бўлсин.













ДИЛЛАРДА НАВРЎЗ НАШИДАСИ.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ ва Б. АЛИМОВ олган суратлар.

# ҚУВОНЧИМИЗ ЧЕКСИЗ

Бултур Будённий номли совхоз ҳудудидаги бепоён адирликда ўтказилган Наврўз шодиёнаси халқимизнинг такрорланмас, бебаҳо удумларга бой эканлигини намойиш этган эди. Унда қўшни районлардан келган меҳмонларни ҳисобга олмаганда ўттиз мингдан зиёд киши иштирок этди. Кун давомида қадимий байрамимиз шакли ва мазмуни тўғрисида тўлиқ тасаввур олиш мумкин бўлди. Бир томонда шинам безатилган ўтовларни, иккинчи тарафда туни билан дошқозонларда қайнатилган сумалак, хилма-хил таомларни, миллий спорт мусобақалари — кўпкари, кураш беллашувларини кўриб ҳамманинг боши кўкка етди.

Наврўз — кенг маъноси билан деҳқон йилининг бошланиши. Ана шу кундан бошлаб барча экин-тикин ишларига астойдил киришилади.

Республика партия ва ҳукуматининг Наврўз байрамини дам олиш куни деб эълон қилгани каттаю кичикда фахрланиш туйғуларини уйғотди. Бундан атиги икки-уч йил аввал Наврўзни нишонлаш таъқиқланган бўлса, эндиликда бу улуғ айёмни шодиёна ўтказишни тарғиб қилаяпмиз. Яхшиликнинг қаноти бор, деб шунинг учун айтадилар-да. Ҳозир ҳеч ким юқоридан қандайдир кўрсатма бўлишини кутмасдан, ўзича миллий байрамимизни шоду хуррамлик билан нишонлаяпти. Яқинда оиламиз истиқомат қилаётган Дўстлик маҳалласида сумалик пиширилди. Унинг ҳам ўзига хос гашти бор. Ёшу қари аёллар туни билан ҳар хил лапарлар айтишиб, рақсга тушдилар. Ҳазил-мутойиба, навбат билан қозонда виқир-виқир қайнаётган сумалакни ковлаб туриш ҳаммага қувонч бахш этади. Дано халқимизни қарангки, айни йўғон чўзилиб, ингичка узиладиган паллада белга қувват бўлсин деб ана шундай хушхўр, тўйимли таомни ўйлаб топган.

Ёки миллий ўтов-уйларимизни томоша қилинг-а. Замонавий уйлар, дала шийпонлари, деб ўтовларни бир чеккага суриб қўйдик. Юқоридан келадиган вакиллар бундай уйларни кўришганда эскилик сарқити, турмуш маданияти паст экан, деб баҳо беришарди. Келин тушириш учун махсус жиҳозланган ўтовда бўлганмисиз, бунинг таърифини сўз билан ифодалаш қийин. Ҳа, ёш келин-куёв учун ўтов-уй роҳат. Чимилдиқларнинг тортилиши-ю келинчак уйида тўқиб келган каштали сочиқ ва сўзаналарда миллий санъатимизнинг ажиб намуналарини кўрасиз. Серфарзанд оила учун мўлжалланган ўтов бундан тамоман фарқ қилади. Меҳмонлар учун жиҳозланган ўтов ҳам ажралиб туради. Бултур Наврўзда ўтов жиҳозлаш кўригида «СССР 50 йиллиги» совхози аёллари ғолиб чиқишди. Бу шунчаки кўргазма эмас, кўпгина хўжаликларда оилавий пудратга ўтиб ишлаётган деҳқонлар ўз далалари бошида тикиб оладиган ўтовлар намунаси эди. У саратоннинг иссиғида ҳам ҳар қандай замонавий темир-бетондан қурилган дала шийпонларига нисбатан салқин ва қулай. Бундай олганда, ҳозир деҳқонга хўжакўрсин учун эмас, ҳар куни фойдаланиладиган ана шундай ўтовлар кераклигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Амалдаги йилда ҳам Наврўз байрамини худди шу ерда нишонлашни режалаштирдик. Уни ўтказиш бўйича ташкилий комиссия бир неча кундан буён ўз ишларини қизитиб юборган. Кўнгилли дам меҳнаткашларни баҳорги ишларни уюшқоқлик билан бошлашга, жорий йилда барча соҳаларда олдимизда турган вазифаларнинг муваффақиятли бажарилишига хизмат қилмоғи лозим.

Наврўз сайлида райондаги барча ташкилот ва муассасалар, хўжаликлар фаол иштирок этаяпти. Айниқса, бахшилар кўригига қизиқиш катта. Элга танилган Шодмон бахши, Абдуназар бахши, Собир, Самад Эргашев каби бахшиларнинг айтишуви кўпчиликка ҳузур бағишлаши шубҳасиз. Улоқ айириш, яъни кўпкари эса сурхондарёликларнинг миллий беллашуви. Унда ўртага чиққан юздан ортиқ чавандоз улоқ учун курашади. Шуниси қувончлики, кўпкарида фақат ёшлар эмас, тажрибали, кекса кишилар ҳам қатнашадилар, кўп ҳолларда уларнинг тажрибаси қўл келиб, ёшлар доғда қолишади.

Хотин-қизларимиз ҳозир ҳатто номи ҳам унутиб қўйилган таомларни пиширмоқдалар. Сумалакдан ташқари, сурхондарёликлар азалдан севиб танаввул қилган гўжа, ғилминди, холвайтар, ўмач ош, қовурмоч, ҳар хил кўкатлардан тайёрланган сомса-ю чучвараларни тайёрлашда уларнинг ўзига хос маҳоратлари намоён бўлади.

Ўлкамизда Наврўз тараддуди бошланганига анча кун бўлиб қолди. Байрам шарафига 230 гектар майдонда мевали боғ ва токзор бунёд этилди. 15 минг туп манзарали, 560 минг туп тут кўчати ўтқазилди. 3 минг хўжаликка томорқа ўлчаб берилди. Уларда ҳам ҳозир ҳар хил мевали дарахт ниҳоллари ўтқазилмоқда. Бултургидан икки баробар кўп ёки 72 гектар майдонга картошка, 190 гектар майдонга илдизмевали экин, 1238 гектар ерга маккажўхори уруғи экилди. Жорий йилда 16,5 минг гектар майдонда пахта етиштирилади. 53 минг тонна оқ олтин тайёрлашни режалаштирганмиз. Унинг 80 фоизи ипак пахта бўлади. Ҳозир чигит экиладиган майдонларда эгат очишни қарийб ниҳоясига етказдик. Эгатларга сув тараш бошлаб юборилди. Шубҳасиз, район меҳнатчилари зўр шодиёналик билан нишонлайдиган миллий байрамимиз кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшади, қайта қуришнинг ҳозирги босқичдаги мураккаб вазифаларини ҳал этишга хизмат қилади.

**М. ИСМОИЛОВА,**
**Ленин йўли район партия комитетининг биринчи котиби.**

### ЎН ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ БИРИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессияси 1990 йил 24 март куни соат 12 да Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлислар залида очилади.

